

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали шерикликни мустақамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланди



Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон тарихий аҳамиятга эга Абадий дўстликни мустақамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар даражасида кўп қиррали Ўзбекистон-Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 11 та ҳужжат имзоланди.

Жумладан:

- Саноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш ва кенгайтириш бўйича “йўл харитаси”;
- маданият вазирликлари ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган маданият ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ва Тожикистоннинг Сўғд вилояти ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;
- Ипакчилик тармоғида ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

